

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**“БЮДЖЕТ ҲИСОБИ ВА ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ”
ФАКУЛЬТЕТИ**

“БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК” КАФЕДРАСИ

МИРЗАБЕКОВ БОБИР ШАМСИДДИНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА
ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

5340400 – “Бизнесни бошқариш” таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

“Бизнес ва тадбиркорлик”
кафедраси мудири

_____ и.ф.д., доц. Д.В.Расулова

“ _____ ” _____ 2013й.

Илмий раҳбар: _____ и.ф.н. Н.С.Қосимова

“ _____ ” _____ 2013й.

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА	бетлар
КИРИШ.....	4
I.БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	8
1.1. Қайта ишлаш корхоналарини ташкил этишнинг зарурати, мақсади ва вазифалари.....	8
1.2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларининг тавсифи....	14
1.3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари озиқ-овқат корхоналарининг хом ашё базаси сифатида.....	19
II.БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	25
2.1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг замонавий ривожланиш хусусиятлари.....	25
2.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг иқтисодий самарадорлик ҳолатининг таҳлили.....	34
2.3. Аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар.....	40
III.БОБ.ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ.....	49
ХУЛОСА.....	58
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	61

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республика ҳукуматининг энг муҳим вазифаларидан бири аҳолининг истеъмол товарларига нисбатан ўсиб бораётган талабини кондиришдир. Чунончи, аҳоли озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиши натижасида уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун асос яратилади. Бу муаммони қишлоқ хўжалиги ва мазкур тармоқни хом ашёсини қайта ишлайдиган саноат корхоналари, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мажмуаси ҳал этади. Бу мажмуада барча тармоқлар ўзаро уйғунлашиши (интеграциялашуви) ҳамда ихтисослашиши натижасида аҳоли эҳтиёжини қондирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилиши амалга оширилади.

Республика Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Мамлакатимизда, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларни туғдириб бериш бундай юксак натижаларни қўлга киритишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди”.¹

Ҳозирги даврда республика аҳолисининг гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, ёғ маҳсулотлари билан таъминланиш масаласи долзарб аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан, бу масалани ҳал этиш мақсадида агросаноат мажмуаси марказий бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини интенсив ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда чорвачилик тармоқларини устувор суръатларда ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, паррандачиликни саноат негизида ривожлантириши алоҳида аҳамият касб этади. Қорамолчилик қуйчилик билан шуғулланадиган нодавлат корхоналари учун ҳар

¹ Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган 2013 йил 19 январ куни Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг Мажлисидаги маърузасидан. /Халқ сўзи/ 20-январ 2013 й.

томонлама иқтисодий имкониятлар яратилмоқда. Уларни молиявий маблағлар билан барқарор равишда таъминлаш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилмоқда, солиқ имтиёзлари берилмоқда, уларнинг ишлаб чиқаришлари учун зарур бўлган, чет эллардан келтириляётган воситалар божхона тўловларидан озод этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси халқ истеъмоли моллари миқдорини қўпайтиришга йўналтирилган тадбирлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарининг энг муҳими бўлган озиқ-овқат саноати Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг энг йирик ва анъанавий тармоқларидан бири ҳисобланиб, бу тармоқ миллий иқтисодиётнинг ривожланишига, агросаноат мажмуида тармоқлараро нисбатларни такомиллаштиришга, республика қишлоқ хўжалигида етиштириляётган хом ашёни исроф қилмай, яъни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш, шунингдек аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал қилишга таъсир этади.

Шу боис, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб бориш, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни ташкил этиш бўйича назарий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга мувофиқ ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- қайта ишловчи корхоналарнинг миллий иқтисодиётимизда тутган ўрни, роли ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни ташкил этиш хусусиятлари ва муаммоларини ўрганиш;
- тадқиқ қилинаётган тармоқнинг ҳолатини ўрганиш орқали унинг ривожланишини баҳолаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни ривожланишига таъсир этувчи шарт-шароитлар ва омилларни аниқлаш;
- озиқ-овқат саноати тармоғининг ривожланиш истикболларини замонавий бошқарув тамойиллари асосида ўрганиш;

- бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқларни ривожлантириш борасида илмий хулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи озиқ-овқат корхоналари танланган.

Тадқиқот предмети бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида қишлоқ жойларда қайта ишловчи корхоналарни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий-амалий аҳамияти шундан иборатки, унда бозор муносабатларини ривожланаётган даврида қайта ишловчи озиқ-овқат саноати корхоналарини ташкил этнинг назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар кўлами ишлаб чиқилган. Ушбу таклиф ва тавсиялар озиқ-овқат саноати корхонаси бозор механизмининг таркиб топтиришда, уни ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқишда ва бу билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамда ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий тузилишини такомиллаштиришда фойдаланилиши мумкин. Хом ашё салоҳиятидан ҳар томонлама оқилона фойдаланишни инобатга олган ҳолда, озиқ-овқат саноати корхоналарини самарадорлигини ошириш борасидаги асосий таклиф ва тавсиялар мамлакатимизда мавжуд бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга шароит яратиши мумкин.

Ишнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, назарий-амалий аҳамияти шакллантирилган.

Ишнинг биринчи бобида қайта ишловчи корхоналарнинг назарий - услубий асослари тадқиқ қилинган. Шунингдек мазкур корхоналарнинг ривожланиш хусусиятлари талқин қилинган.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасидаги қайта ишловчи корхоналарининг ҳозирги даврдаги ҳолати таҳлил қилинган ва уларга хос

бўлган тенденциялар аниқлаб берилган.

Битирув малакавий ишнинг учинчи бобида республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида ишни бажариш жараёнида шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг қискача мазмуни ўз ифодасини топган.

І.Б.ОБ. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил этишнинг илмий-назарий жиҳатлари

1.1. Қайта ишлаш корхоналарини ташкил этишнинг зарурати, мақсади ва вазифалари

Қишлоқ хўжалигини барқарор равишда ривожлантириш, самарадорлигини юксалтириш учун уни янги қишлоқ хўжалик машиналари, техникалари, транспорт ва кимёвий воситалар, минерал ўғитлар, ёқилғи ҳамда ёғловчи материаллар, озуқа моддалари билан тўлиқ ва мутаносиб равишда таъминлаб, мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этиш керак. Демак, қишлоқ хўжалигининг келажакдаги ривожини даставвал унинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари фаолиятига бевосита боғлиқдир. Шунингдек, аграр соҳанинг равнақи унга хизмат кўрсатувчи, яъни қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи, тармоқдаги машина-трактор ва бошқа техникаларни таъмирловчи, хўжалик объектларини курувчи, ирригация-мелиорация ва кимёвий, техник ва транспорт хизматларини бажарувчи тармоқлар фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги эса тармоқда етиштирилган хом ашёлардан аҳолининг барча талабларини тўлиқ ва сифатли қондира оладиган озиқ-овқат, газлама, кийим-бош, оёқ кийим ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларининг серқиррали фаолиятига ҳам боғлиқ.

Юқоридагилардан маълум бўлишича, республика фуқароларининг тайёр озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг тўлиқ қондирилиши бу муаммони ҳал этилишини таъминлашда қатнашувчи барча тармоқларга турли хилдаги ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, унга хизмат кўрсатувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот даражасига етказувчи ва уларни истеъмолчиларга етказиб берувчи барча тармоқларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иқтисодий ҳамда ижтимоий боғланишини объектив ҳолда тақозо этади. Шунинг учун улар мақсадга мувофиқ равишда жойлаштирилиб, ихтисослаштирилиб, халқ хўжалиги миқёсида меҳнат тақсимооти амалга оширилишини таъминлашлари зарур.

Юқорида таъкидланган тармоқлар ягона мақсад йўлида ўзаро боғланиши натижасида республика агросаноат мажмуаси шаклланади. Мамлакат агросаноат мажмуасининг асосий мақсади - аҳолини сифатли озиқ-овқат ва халқ истеъмоли товарлари билан талаб даражасида таъминлашдир. Бу масала улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унинг талаб даражасида ҳал этилиши аҳоли турмуш даражасини юксалтиради, уларни фаровон яшашини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бу масалага Республика ҳукумати томонидан алоҳида эътибор берилмоқда, яъни агросаноат мажмуасига кирувчи барча тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни ҳаётга боскичма-боскич жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар, яратилаётган имконият ва имтиёзлар иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришнинг муҳим омили бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаси - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинг муҳитининг стратегияси ва тактикасига таъсир кўрсатувчи муҳим таркибий қисмидир. Мазкур соҳадаги корхоналарни иккита йирик гуруҳга бирлаштириш мумкин. Биринчи гуруҳга озиқ-овқат саноати корхоналари (йирик гўшт комбинатлари, сутни қайта ишлаш корхоналари) киритилиб, улар ишлаб чиқариш ҳажмининг жуда катталиги билан тавсифланади. Бироқ, шуни кайд этиш керакки, ушбу турдаги корхоналар Ўзбекистонда камчиликни ташкил қилади. Мавжуд корхоналар эса тўлиқ куч билан ишлаётгани йўқ.

Иккинчи гуруҳни эса мулкчилик шакли турли хил бўлган микро ва кичик корхоналар, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва турли хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари (колбаса, пишлок, бринза, творог, қаймоқ ва бошқалар) ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари йилнинг муайян мавсумида етиштирилади, шу сабабли уларни узоқ вақт сақлаш ва қайта ишлашни ташкил қилмаган ҳолда аҳолини йил буйи турли маҳсулотлар билан таъминлаб туриш масаласини ҳал қилиб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ вақт сақлаш имконини берадиган технологиялар ишлаб чиқилган. Бу борада кимё, физикавий, биология, биотехнология, биофизикавий, физиология, энтомология, ўсимликларни химоя қилиш каби фанлар ютуқларидан фойдаланилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш тарихига назар солсак, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нес-нобуд қилмасдан ҳамда унинг сифатини пасайтирмасдан сақлаш, ундан унумли фойдаланиш қадимдан инсон эҳтиёжларидан бири бўлиб келган. Айниқса халқлар ўтроқ бўлиб яшаган пайтда, ортиқча маҳсулотларни сақлаш тўғрисида ўйлай бошлаганлар.

Ўрта Осиёда қўлланиладиган энг қадимий усуллардан: тузлаш, ачитиш, сиркалаш, кўмиб ёки осиб қўйиш, қоқи қилиш, қуриштиш кабилар кенг қўлланилган. Маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлашда пиёзни, бодрингни сиркалаш, сабзавот ва меваларни, қовун, помидордан қоқи тайёрлаш, укроп, кашнич, райхон, жамбил каби кўкатларни қуриштиш кабилар қадимдан амалда қўлланилиб келинган.

Асосан қуруқ маҳсулотлар тез бузилмайдиган маҳсулотлар ҳисобланиб, уларни қуруқ жойда, шиша, чинни идишларда, ёпиладиган қоғоз қутиларида сақланган. Ун асосан қопда ёки қутиларда сақланган.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида олиб борилган археологик қазилмалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қулдорлик тузуми давридаёқ амалга оширилганлиги ҳақида далолат беради, кўза ва бошқа хил идишларни топиб олиш унга далолатдир.

Ҳозирги вақтда фан-техниканинг жадал ривожланиши барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш комплексини яратишга кенг имкон беради.

Ўзбекистон республикасида вилоятларида ва Тошкент шаҳрида йирик музхоналар ташкил этилиб, уларда республикада етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эллик фоизини сақлаш имконияти мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимиз фуқароларининг тайёр озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг тўлиқ қондирилиши бу муаммо ҳал этилишини таъминлашда қатнашувчи барча тармоқларга турли хилдаги ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги,

унга хизмат кўрсатувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот даражасига етказувчи ва уларни истеъмолчига етказиб берувчи барча тармоқларнинг техникавий, технологик иқтисодий ҳамда ижтимоий боғланишини объектив ҳолда тақозо этади. Шунинг учун улар мақсадга мувофиқ равишда жойлаштирилиб, ихтисослаштирилиб, халқ хўжалиги миқёсида меҳнат тақсимоти амалга оширилишини таъминлаши зарур.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви натижасида қишлоқ хўжалиги алоҳидалашган тармоқдан, кенг ривожланган тармоқлараро хўжалик алоқаларига эга соҳага айланди. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши меҳнат тақсимотини тақомиллашувига, фаолият билан алмашишни кенгайтиришига олиб келдики, қишлоқ хўжалигининг бир қатор вазифалари унинг маҳсулотини қайта ишловчи тармоқларга ўтди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Республикамизда вужудга келган иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг асосий шартларидан бири агросаноат мажмуасида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини йилдан-йилга ошириб боришидир. Бу эса мамлакат агросаноат тизими таркибига кирувчи тармоқлар саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бирламчи ишлаш ва қайта ишлаш тармоқларини тубдан юксалишига олиб келади.

Агросаноат мажмуи қишлоқ хўжалигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришда иштирок этадиган тармоқлари мажмуидан иборат.

Республика агросаноат мажмуасининг биринчи бўғинига-агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари киради. Улар таркибан қишлоқ хўжалик машинасозлик, тракторсозлик саноати, кимё саноати, нефт маҳсулотлари саноати, микробиология саноати, озиқ-овқат машинасозлик, станоксозлик саноати, қурилиш материаллари саноати ва бошқалардан ташкил топади.

Шу бўғиндаги тармоқларнинг асосий мақсади - агросаноат мажмуаси таркибидаги хусусан, қишлоқ хўжалиги ва унга ирригация-мелиорация, техника таъминоти ва таъмирлаш, кимёлаштириш, зооветеринария, электрлаштириш

хизматларини кўрсатувчи ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи пахта тозалаш саноати, дон маҳсулотлари, мева, сабзавот, узум саноати, гўшт-сут саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини ва ниҳоят тайёр маҳсулотларни етказиб беришда зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари (машина, трактор, станок кимёвий воситалар, ёқилғилар, озука моддалари) билан таъминлашдир. Демак биринчи бўғин таркибидаги тармоқлар бошқа тармоқларни ривожланишни таъминлайдиган моддий-техника базасини барпо этишда улкан ҳисса қўшади.. Бу соҳа тармоқларида минглаб корхоналар фаолият кўрсатиб, жами ички маҳсулотнинг сезиларли қисми яратилмоқда.

Иккинчи бўғин - агросаноат мажмуасининг асосий тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигидан ташкил топади. У таркибан ўсимликчилик боғдорчилик ва чорвачилик тармоқларидан ташкил топади. Унинг барча тармоқлари-ўсимликчилик ҳамда чорвачилик тармоқларида қайта ишлаш саноат тармоқлари учун хомашёлар (пахта хомашёси, бошоқли донлар, каноп, зиғир, қанд лавлаги, жўн, тери, кунжут, узум, гўшт, сут) аҳоли истеъмоли учун эса гўшт, сут, сабзавот, полиз, мева маҳсулотлари етиштирилади.

Пахта хомашёсини етиштириш билан асосан йирик товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланган фермер ва давлат хўжаликлари шуғулланмоқдалар. Чунки уларнинг аксарият қисми пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган.

Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг асосий, яъни марказий бўғини ҳисобланади. Унинг барқарор ривожланиши ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи ҳамда истеъмолчиларга етказиб берувчи барча тармоқлар фаолиятига боғлиқ. Тармоқда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг барқарор равишда ўсиши уларни қайта ишловчи тармоқлар самарали фаолият кўрсатишини талаб этади. Демак агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқлар қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун республика қишлоқ хўжалигини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва замон талаби асосида бошқаришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу муаммони ҳал этишда тармоқнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиш зарур. Тармоқни ташкил этиш ва бошқариш

билан Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги шуғулланмоқда. Унинг таркибида:

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши;
- сув хўжалиги тармоқлари;
- ўрмон хўжалиги тармоқлари мужассамлашган.

Агросаноат мажмуанинг учинчи бўғинини қишлоқ хўжалигини ривожланишига хизмат кўрсатадиган тармоқлар киритилади, жумладан, экинларни, чорва ҳайвонларини сув билан таъминлайдиган, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини таъмин этувчи чора-тадбирлар тизимини амалга оширадиган сув хўжалиги тармоғи. Қишлоқ хўжалик субъектларига ер ҳайдаш, экинларни экиш, уларга ишлов бериш, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатувчилар тармоқда фойдаланилаётган барча техникаларга сервиси шароитини яратувчилар; тармоқда йирик бино-иншоотларни қурувчи, мавжудларини таъмирловчи тармоқ тармоққа зооветеринария хизмати, шунингдек ҳашаротларга, зараркурандаларга, бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида кимёвий хизмат кўрсатадиган соҳаларни ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалигини ёқилги ва ёғловчи материаллар ҳамда электроэнергия билан таъминлайдиган тармоқлар ҳам шу соҳа таркибига киритилади.

Юқорида таъкидланган тармоқлар қишлоқ хўжалигига барча турдаги ишларни, хизматларни ўз вақтида, сифатли кўрсатишлари натижасида турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга улкан ҳисса қўшадилар. Уларни оқилона ҳамда уддабуронлик билан сотиш натижасида эса қишлоқ хўжалик корхоналари фойда массасини кўпайтиришга эришишлари мумкин.

Ҳозирги даврда мамлакат агросаноат мажмуаси таркибидаги субъектларнинг умумий миқдори 110 мингдан ошади. Улар республика ЯИМнинг асосий қисмини яратиб бермоқда².

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш ва тегишли органларда корхоналар манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш корхоналар илмий-техникавий ривожланиш соҳасида

² www.agro.uz

бир хил йўналишни амалга ошириш, ягона техникавий сиёсатни олиб бориш, интеграциянинг бозор шакллари ривожлантириш ва корхоналарга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда кўмаклашиш, корхоналарга ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда, қўшма корхоналарни тузиш учун хорижий ҳамкорларни излаб топишда ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда ёрдам бериш, илғор тажриба, замонавий техника ва технологияларни жорий этишда ҳамкорлик қилиш, корхоналарга мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ёрдам бериш, таъсисчиларни маркетинг хизмати билан таъминлаш, корхоналарни мулкчиликнинг бошқа шаклларига асосланган шаклларга қайта расмийлаштирилишида ёрдам бериш каби таклифлар шулар жумласидандир.

1.2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларининг тавсифи

Республикамизнинг аграр секторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Аввало, аграр сектордаги тадбиркорлик, юқорида айтганимиздек, маҳсулот етиштиришдан иборат. Маҳсулот етиштириш эса биргина меҳнат ва моддий ресурслар сарфи билан эмас, балки маълум даражада вақт бирлиги (ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, чорва молларининг маҳсулот берадиган даражага етиши), шу даврда бўладиган биологик жараён ҳамда табиий-иқлим шароитлари (хаво ва тупроқ харорати, намлиги) билан бевосита боғлиқ. Бу жараён эса маълум муддатни ва маълум шароитни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, аграр секторда маҳсулот етиштириш мавсумийлик хусусиятига эга. Шу билан бирга, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш ҳам қўшимча вақтни талаб қилади. Демак, аграр сектордаги бундай ўзига хослик ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида учрамайди. Бу эса аграр секторда тадбиркорликка бошқача ёндашишни тақозо этади. Аграр секторнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, соҳада кичик бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган тавсия ва тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

Айниқса ҳозирги кунда қишлоқ жойларда одамларни иш билан банд қилиш, уларни даромад манбалари билан таъминлаш кескин муаммо бўлиб турибди. Бу муаммо биринчи навбатда ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқ муаммодир. Маълумки, қишлоқ жойларида йирик саноат комплексларини барпо этиш мураккаб ва улар қутилган самара бермайди. Бунинг учун аграр секторда тадбиркорлик, хусусан кичик бизнесни жадал ривожлантириш учун зарур барча шарт-шароитларни, кафолатларни яратиш, деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари ташкил қилиш орқали янги-янги иш жойларини яратиш мумкин бўлади.


Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ушбу хўжалик юритиш шакллари ташкил қилиш ва ривожлантириш буйича барча шарт-шароитлар яратилди. Бунинг натижасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини-шакллантиришнинг учта йуналиши вужудга келди. Бунда, биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналарини ширкат хўжаликларига айлантириш ва уларда хўжалик юритишнинг ички механизмини такомиллаштириш орқали тадбиркорликни оила ёки ижара пудрати асосида ривожлантириш, иккинчидан, сурункасига зарар кўриб фаолият юритаётган йирик қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан, ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликларини ташкил этиш, учинчидан, фаолият юритаётган шахсий томорқа хўжаликларини қайта руйхатдан ўтказиш ҳамда оилаларга ер участкаларини бериш орқали деҳқон хўжаликларини ривожлантириш асосида тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди.

Бундан ташқари, аграр секторда турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи, қайта ишловчи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантиришга ҳам кенг эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш бозор ва институционал ўзгаришларни янада чуқурлаштиришни, хизмат кўрсатиш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини устувор ривожланишини, шунингдек қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришни талаб этади. Шуларни ҳисобга олиб, ҳозирги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат

кўрсатиш учун мини-банклар, маъданли уғитларни сотиш пунктлари, ёқилги-мойлаш пунктлари, муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, зооветеринария ёрдами кўрсатиш масканлари ва ахборотлар таъминоти марказлари ташкил этилмоқда. Бундай тадбиркорлик билан шуғулланаётган корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жойларнинг ўзида ортиқча йўқотишларсиз қайта ишлашда, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни ички ва ташқи бозорларга етказиб беришда ҳамда қишлоқларда мавжуд ортиқча ишчи кучларини иш жойлари билан таъминлашда ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуш даражасини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини уларнинг ўзига хос алохида хусусиятлари ва йуналишлари буйича қуйдагича классификациялаш мумкин (1-расм).

Дехқон ва фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш, уларни сотиш, яъни савдо-тижорат фаолияти билан ва бошқа субъектларга агротехник, технологик каби бир қатор масалаларда хизмат кўрсатиш билан шуғулланишлари мумкин.



1-расм. Қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг классификацияси³

³ www.aup.ru

Шу билан бирга, кичик корхона ва цехлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш билан, аксарият микрофирмалар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хом ашё ёки тайёр ҳолда сотиш билан, етарли малакага ва тажрибага эга мутахассислар томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига консалтинг, алоҳида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар яъни, молиявий маблағлар билан таъминлаш, техник, кимёвий, зооветеринария хизматлари ва бошқа фаолиятлар билан шуғулланишади.

Хукуматимиз аграр соҳанинг барқарор ривожланиши учун катта кўмак бериб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ўз ичига қуйидаги асосий йўналишларни олади: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар аҳамиятини кучайтириш; уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш; деҳқон ва фермер хўжаликларига самарали фаолият олиб боришлари учун амалий ёрдам бериш; кичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда қўллаб-қувватлаш; уларни аҳоли турмуш тарзини ошириш ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айлантириш; истеъмол бозорларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш ва улгуржи савдо тизимини янада ривожлантириш; мамлакат ҳудудларида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажминини кўпайтириш ва экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Фермер хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг узок даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилди, меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислохотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозирги вақтда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эғалик ҳиссиёти йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Энг асосийси – одамларимизнинг онги ва дунёқараши тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучаймоқда⁴.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилганлиги ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлиги алоҳида эътиборга молик. Республикада ташкил этилган “Микрокредитбанк” ҳамда бюджетдан ташқари фондлар, жумладан “Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси”, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Иш билан кўмаклашиш жамғармаси» хусусий тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий воситаларидан бири бўлди.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ўзларининг серкирра томонлари билан иқтисодий ислохотлар жараёнини тезлатишда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, уларни ривожлантириш бозор ислохотларини чуқурлаштириш давридаги муҳим омиллардан бири сифатида эътироф этиш лозим.

⁴ Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган 2013 йил 19 январ куни Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг Мажлисидаги маърузасидан. //Халқ сўзи 20-январ 2013 й.

1.3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари озиқ-овқат корхоналарининг хом ашё базаси сифатида

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида озиқ-овқат саноатининг роли катта бўлиб, мазкур саноат Ўзбекистон индустриясининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади, у етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлашга асосланади ва республика аҳолиси учун ҳаётий зарур бўлган бир қатор озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Бугунги кунда мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг 30 дан ортиқ гуруҳ тармоқлари мавжуд бўлиб, улар томонидан 5000 дан ортиқ ассортиментдаги маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилмоқда⁵.

Шу билан бирга олиб борилган изланишлар озиқ-овқат саноатида ривожланиш суръатларининг пасайиши, иқтисодий кўрсаткичларнинг номутаносиблиги, ишлаб чиқариш самарадорлигининг етарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Ундан ташқари, таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, озиқ-овқат саноатининг ишлаб чиқариш тузилмаси мукамал эмас, шу билан бирга ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришнинг суғлиги ва бунинг натижасида миллий иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжлари керакли даражада қондирилмаётганлиги намоён бўлмоқда. Республикада озиқ-овқат саноати тармоқларида рақобат муҳитини ташкил этиш бозор талаблари даражасида эмас. Уни ташкил этувчи тармоқларда тизимли ва функционал ўзгаришлар ҳозиргача паст даражада эканлиги намоён бўлмоқда.

Озиқ-овқат саноати корхоналари ривожланиш самарадорлигини иқтисодий баҳолаш бир қатор масалалар мажмуини ҳал этишни талаб этади.

Хусусан, тармоқда тўлақонли бозор механизмини таркиб топтириш, уларда замонавий бошқарувни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, тармоқ тузилишини Республика эҳтиёжи ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, бошқа мустақил тармоқлар каби иқтисодий ҳамда молиявий барқарорликка эришиш, менежмент тамойилларидан самарали фойдаланиш, маркетинг тадқиқотларини жорий этиш

⁵ www.agro.uz

ҳамда маркетинг хизматида кенг фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, унинг экологик тозаллиги ва рақобатбардорчилигини таъминлаш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш йули билан тармоқнинг техник даражасини ошириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, мавжуд ишлаб чиқариш захираларидан амалда тўғри фойдаланиш, маркетинг бошқарувини такомиллаштириш, шунингдек озиқ-овқат саноати тармоғини турли мулкчиликка асосланган рақобат муҳитига мослаштирилган тармоққа айлантириш ва бу соҳада оид корхоналарни кенгайтириш жуда муҳимдир.

Озиқ-овқат саноатининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, ушбу хусусиятларни инобатга олган ҳолда миллий иқтисодиётнинг таркибий қисмларидан бири сифатида ҳаракат қилиши унга ҳозирда ўта долзарб бўлган кўпгина вазифаларни ҳал этиш имконини беради. Чунинчи, иқтисодиётни ҳалқнинг замонавий талабларига қаратиш, ҳам ашё импортига қарамликни пасайтириш, ички ҳам ашёлардан тўлароқ фойдаланишга ўтиш, ишсизлик даражасини пасайтириш, экспорт базасини кенгайтириш ва ҳақозо. Бунда истеъмол бозорини зарур ва юқори сифатли маҳсулотлари билан тўлдиришга муҳим ўрин ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири, унинг аҳолисини экологик сифатли барқарор озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир.

Макродаражада озиқ-овқат саноати учта асосий бўлимдан иборат. Булар гўшт-сут, мева-сабзавот ва вино ишлаб чиқаришдир.

Бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган қайта ишланадиган мева-сабзавотлар туркумидаги маҳсулотлар ичида табиий шарбатлар кўп миқдорда мавжуд бўлиб, у ўзига хос хусусиятларга эгаллиги кўпроқ миқозлар эътиборини жалб қилади. Табиий ҳолдаги ва қайта ишланган маҳсулотлар бир-бирини тўлдирувчи маҳсулотлар гуруҳини ташкил қилади. Жамият аъзоларининг соғлом ўсиши учун келажакда яқка ҳолда истеъмол қилинадиган маҳсулотлар туркумининг кўпайиши ва бошқа турдаги истеъмол маҳсулотлари ривожига хос бўлган омиллар таъсирида мева-сабзавот шарбатлари ва киёмларининг истеъмол қисми ортиб боради. Мева-

сабзавот маҳсулотлари етиштириш табиий иқлим шароитлари билан боглиқ бўлиб, асосий маҳсулотлар жуда қисқа вақт 2-3 ой мобайнида пишиб-етилиши, оз вақт ичида мева-сабзавот маҳсулотлари тезкор ҳолатда қайта ишланиши талаб этилади. Демак, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар қисқа вақт ичида бирламчи тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш қувватларига эга бўлишлари керак.

Озиқ-овқат саноати корхоналари эса таркиби жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлиб, маълум бир хом ашёдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Масалан, кандолатчилик саноати, карамель конфет, шоколад, бисквит, пастилат ва мармелад ишлаб чиқариш корхоналарини бирлаштиради.

Фаолият кўрсатаётган корхона ўзининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш билан бирга жамият олдида қонунни бузмасликка жавобгар бўлмаслиги учун корхона ўзининг маълум неъматлари ва кучларини иқтисодий, ижтимоий ва ахборот каналлари бўйича йўналтиришга мажбурдир. Корхона соғлиқни сақлаш ва ҳавфсизликни таъминлашга, ходимлар ҳуқуқини, истемолчилар манфаатини ҳимоя қилишга мажбур ҳисобланадилар.

Корхонанинг фаолият кўрсатиш шароитини тўлиқлигича шарҳлаш имконияти чекланган. Чунки корхонада бажарилиши лозим бўлган ишларнинг турлари, расмий ва норасмий гуруҳлар, норасмий раҳномалар билан ўзаро муносабатларда бўла билиш, тадбиркорлик хис туйғусига эга бўлиши, касбий таёрланган мутахассисларни танлаш ва уларни ўз лавозимларига жойлаштириш, ходимларни самарали бошқариш, давлат томонидан корхонани тартибга солиш, илмий асосланган илғор усулларни корхонанинг амалий фаолиятида ишлата билиш, илмий техник тараққиёт ютуқларини корхона фаолиятида қўллаш, бошқарув ходимларини тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида самарали фаолият кўрсата олиш, ижодкор бўлиши ҳам, технология ва режалаштиришни ташкил эта билиш, корхонада самарали ахборот узатиш, замонавий жиҳозлар ўрнатиш, корхона фаолиятининг ҳақиқий натижалари ҳақида маълумот йиғиш, бизнес режа ва таъминот, молиялаш ва бизнес режа, маҳсулотларни танлай билиш, бозор иқтисодиётидаги барча муоммоларни бозор қонунларига бўйсунган ҳолда ҳал этиш, талаб ва таклиф қонунларини

ташкilotнинг фаолиятидаги устувор йўналишларини танлаш кабилар хақида атрофлича тахлил қилиниши мумкин.

Озиқ-овқат саноати товарлари ишлаб чиқарилиши ва сотилиши бўйича уч гурухга бўлинади:

биринчи гурух - бутунлай давлат назорати остида бўладиган товарлар, бўларга чой, спиртли ичимликлар, кофе, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари, тузни киритиш мумкин;

иккинчи гурух - қисман давлат назорати остида бўладиган товарлар, бўларга ун, ёрма, гўшт ва гушт маҳсулотлари, шакар, ўсимлик мойи, консерва маҳсулотлари, балиқ ва балиқ маҳсулотлари киритилади;

учинчи гурух - эркин ишлаб чиқариладиган товарлар, бўларга бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқдан ҳолда эркин ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган озиқ-овқат товарлари киритилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини барқарорлаштириш ва ривожлантиришда, саноатни хом ашё, аҳолини эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалигининг ўрни беқиёсдир. Шунингдек республика қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим ва йирик тармоғи бўлиб, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг хом ашёга бўлган талабини қондиради.

Қишлоқ хўжалигининг икки муҳим тармоғи - дехқончилик ва чорвачиликда инсон ҳаёти учун биринчи зарурат бўлган озиқ-овқат ва саноат учун хом ашё маҳсулотлари етиштирилади. Қишлоқ хўжалиги дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини дастлабки ёки тўла қайта ишлашнинг турли жараёнларини ҳам ўз ичига олади ва халқнинг моддий фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислох қилишга устунлик берилди. Бунга қишлоқ хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларнинг республиканинг ҳозирги иқтисодиётида тутган ўрни сабаб бўлди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўрта ҳисоб билан 60 фоизи деҳқончиликка, қолган 40 фоизи чорвачилик соҳасига тўғри келади.

Республика қишлоқ хўжалигида деҳқончилик етакчи ўринда туради, хусусан, ялпи маҳсулотининг 98,5 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобига тўғри келади. Суғориладиган ерларда асосан техника экинлари, дон экинлари, сабзавот - картошка, полиз экинлари ва бошқалар экилади ҳамда мева, узум етиштирилади. Кейинги йилларда республикада экин майдонлари таркиблари кескин ўзгарди, техника экинлари, биринчи навбатда ғўза майдонлари қисқартирилди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни тубдан яхшилаш, республика аҳолисининг ғаллага бўлган талабини қондириш ва мева сабзавотларни етарли миқдорда етиштириш мақсад қилиб белгилаб олинди. Республикада деҳқончиликнинг етакчи тармоғини пахтачилик ташкил этади. Пахтачиликнинг пировард асосий маҳсулоти - пахта толаси ва пахта мойидир.

Дончилик республика деҳқончилигида муҳим ўринда туради. Мамлакатда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш дон етиштиришни кўпайтириш билан боғлиқ Таҳлиллар шуни кўрсатадики, замонавий техника ва технологияларни кенгроқ жалб этиб маҳаллий шарт-шароит ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда Республика аҳолисини сифатли дон ва дон маҳсулотлари, ун ва макарон маҳсулотлари билан тўлиқ ва барқарор таъминлашнинг потенциал имкониятлари мавжуд. Республика истеъмол бозорида гуруч маҳсулотига нисбатан талаб ва таклифни барқарорлаштириш учун ҳам юқорида таъкидланганидек, ўзига хос ички хусусиятларга эга бўлган потенциал имкониятлар мавжуддир.

Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда республикамизнинг иқлими, суғорма деҳқончилик шароитлари юқори ҳосил олишга имкон беради. Асосий полиз экинлари бўлган қовун, тарвуз ва қовоқнинг ватани Ўрта Осиё ҳисобланади. Халқ селекционерлари томонидан қовун ва тарвузнинг дунёга машҳур навлари яратилган. Вилоят марказлари ва йирик шаҳарлар атрофдаги туманлар асосан сабзавотчилик билан шуғулланади. Шунингдек «Ўзмевасабзавот-узумсаноатхолдинги» компанияси таркибида сабзавот, помидор, бодринг

етиштирадиган иссиқхона комбинатлар тармоғи барпо этилган. Хўжаликларда очик далада полиэтилен плёнкалар ёпиб, эртаки карам, полиз экинлари етиштириш йўлга қўйилган. Айниқса, республиканинг жанубий вилоятларида эртаки сабзавот етиштириш ривожланиб бормоқда. Боғдорчилик ва токчилик республика қишлоқ хўжалигида энг қадимги ва озиқ-овқат ҳамда саноат хом ашёсини берадиган асосий тармоқлар қаторига киради. Асрлар давомида халқ селекцияси асосида ўрик, олма, ёнғок, бодом, шафтоли, анор, тут ҳамда токнинг ҳар хил мевали навлари яратилган. Уларнинг кўплари сифати жиҳатидан дунё коллекциясида ўзининг такрорланмас ўрнига эга. Етиштирилган мевалар хўллигида истеъмол этилган, лекин қоқи ва майиз олиш асосий ўринда турган. Майиз, туршак, жийда, шафтоли, олма қоқилар аҳоли учун асрлар давомида қанднинг ўрнини босиб келган. Республика боғларида мева ва резавор мева берадиган йигирма турга мансуб дарахт ўстирилади. Уруғли мева дарахтлари, данакли мева дарахтлари, субтропик ўсимликлар, ёнғок мевалилар, резавор мевалилар асосий ўринни эгаллайди. Олма, нок ва токнинг ёзги, кузги ва қишки навлари муҳим хўжалик аҳамиятига эга. Токчилик қадимдан Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларида, Фарғона водийсида тараққий этган. Токчилик хўраки, майизбоп ва консерва маҳсулотлари ҳамда виночилик йўналишларига эга.

Республикага тропик ва субтропик минтақалардан олиб келинган лимон, апельсин, мандарин, шарқ хурмоси каби мевалар тобора кўпроқ майдонларда экилмоқда. Республикаимизнинг барча вилоятларида кўпгина хўжаликларда иссиқхона лимонзорлари барпо қилинган ва қилинмоқда. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ХХІ асрдаги жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий иқлим шароитида етиштирилган такрорланмас таъм ва мазага, витаминларга бой бўлган ҳамда вакуум ҳолатида қуритилган ёки қадокланган ноёб табиий мева ва узум маҳсулотлари билан забт этиш ушбу йўналишда Республикаимиз экспорт салоҳиятини кескин оширишнинг салоҳият захираси ҳисобланади.

П.БОБ. Мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ривожланиши ва уларнинг амалдаги ҳолати таҳлили

2.1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг замонавий ривожланиш хусусиятлари

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосийларидан бири бўлиб, шубҳасиз қишлоқ хўжалиги тармоғида олиб борилмоқда. Соҳанинг тараққиёти кўп жиҳатдан бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритишни қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, мулкый мунособатларни қарор топшириш ва айниқса иқтисодий ночор ҳолатга тушган хўжаликларни ҳар томонлама ривожлантиришга боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш муаммоси Республикамиз Президенти И.А.Каримов ва ҳукуматнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар юртбошимизнинг мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган кенг миқёсли иқтисодий ислохотлар аграр соҳада туб ўзгаришларга олиб келди. Энг аввало, пахта яккаҳокимлиги барҳам топди, аграр ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзбек халқининг менталитетига мос ва жаҳоннинг илғор тажрибасига асосланган шакллари - деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилди. Маҳкамавий бошқарув тизими бартараф этилиб, ўрнига бозор усуллари татбиқ этила бошланди. Бу эса ўз навбатида қайта ишловчи тармоқларни қишлоқ хўжалиги хомашёси билан, аҳолини эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлашга асос яратди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экспорт борасида ҳам етакчи соҳалардан бирига айланди.

Президентимиз томонидан навбатдаги босқичда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги ишлар белгилаб берилган:

- қишлоқ хўжалигига оид қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш;
- қишлоқларда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Республикамиз саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноатни, озиқ-овқат, кимё саноатини, қишлоқ хўжалик машинасозлигини ва бошқаларни ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий молиявий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш туфайли кейинги йилларда саноат потенциалини сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларда эса ишлаб чиқариш кўламини ҳатто кенгайтириш мумкин бўлди. Бизнинг фикримизча, айнан аграр сектор Ўзбекистон иқтисодий барқоролигининг қудратли омили бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур жараёни яна давом эттиришни назарда тутди. Унга биноан пахта етиштириладиган майдонлар қисқартирилиб, бошоқли дон экинлари майдонини қарийб 50 минг гектарга, шунингдек, сабзавот, мойли ўсимликлар ва бошқа озиқ-овқат экинлари майдонини янада кенгайтириш кўзда тутилади.


Демографик жараёнлар ҳамда ер-сув ресурслари тақчиллиги янада мураккаблашиб бораётган бир шароитда, ҳосилдор экин майдонлари таркибининг бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб ўзгартирилиши сабзавот, картошка маҳсулотлари миқдорининг кўпайиши билан бир қаторда, дон ва дуккакли ўсимликлар, сабзавот, полиз, мева ва узум маҳсулотларининг турлари ҳамда ассортименти кенгайишига асос бўлиб хизмат қилди.

Юртимиз асрлар давомида озиқ-овқат маҳсулотлари билан наинки ўзини-ўзи тўла боқиб келган, балки қўшниларимизга уларни экспорт ҳам қилиб келган. Лекин

мустамлака даврида Ўзбекистон собиқ тузум енгил ва тўқимачилик саноатини арзон ва сифатли пахта хомашёси билан таъминловчи базага айлантирилди. Шу боис, юртимизга озиқ-овқат маҳсулотларининг муайян қисми бошқа республикалардан олиб келина бошланди. 2001 йилга келиб Ўзбекистон яна дон экспорт қилиш даражасига ета олди.

Шу боис, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш мақсадида деҳқон ва фермер хўжаликлари етиштирган мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олиш, ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш ва қайта ишлашда кўмак беришни ташкил этиш мақсадида фермерларнинг агрофирма каби ихтиёрий уюшмалари яна қайтадан ташкил қилинди. Агрофирмалар хорижий давлатларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмларининг кўпайишига муайян ҳисса қўшишмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.



2-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, (% да)⁶.

Ўтган 2006-2012 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ўсиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу

⁶ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосда тузилган

кўрсаткич 2006 йилдаги 106,7 %ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 107,0 %га тенг бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2006 йилдаги 25,1 % дан 2012 йилда 17,5 % га пасайиши ижобий ҳолдир. Бу ҳолат мамлакат иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда 1990 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирги вақтда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли тўлиқ ўз имкониятларимиз билан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда меъёрга нисбатан етиштирилган маҳсулот ҳажми мева бўйича 42,6 фоизни, узум бўйича 93,8 фоизни, картошка бўйича 29,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич мева бўйича 119,7 фоизни, узум бўйича 156,3 фоизни, сабзавот бўйича 229,2 фоизни, картошка бўйича 135,4 фоизни ва полиз бўйича 245,1 фоизни ташкил этди. 2012 йилда 1991 йилга нисбатан мева ишлаб чиқариш ҳажми 281,2 фоизга, узум 166,7 фоизга, сабзавот 186,9 фоизга ва картошка 453,6 фоизга ошгани бу борада салмоқли ишлар амалга оширилганини тасдиқлайди (1-жадвал).

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислохотлар туфайли юртимизда асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори ҳам барқарор ўсиб бормоқда. Жумладан, 2012 йилда аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш (сўйилган вазнда) 36,7 килограммни (талабга нисбатан 91,8 фоиз), сут 247,5 килограммни (талабга нисбатан 176,8 фоиз), тухум 131 донани (талабга нисбатан 108,4 фоиз) ташкил этди.

**Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ
хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, кг⁷**

Маҳсулотлар тури	Меъёр бўйича, кг	Ҳақиқатда, кг		1991 йилда меъёрга нисбатан, фоизда	2012 йилда	
		1991 йилда	2012 йилда		меъёрга нисбатан, фоизда	1991 йилга нисбатан, фоизда
Мева	56,4	24,0	67,5	42,6	119,7	281,2
Узум	25,6	24,0	40,0	93,8	156,3	166,7
Сабзавот	113,0	138,6	259,0	122,6	229,2	186,9
Картошка	50,6	15,1	68,5	29,8	135,4	453,6
Полиз	19,3	39,0	47,3	202,1	245,1	121,3

Республикамызда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар ичида қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ислохотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;
- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар жорий этилди;
- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;
- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;
- балл-бонитети паст ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

⁷ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосда тузилган.

- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга жорий этилди.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда қўриш мумкин:

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун имтиёзли фойиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фойиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- “Микрокредитбанк”нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фойизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий Банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- янги ташкил этилган юримдик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баравари, фермер хўжаликларига эса 300 баравари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фойизли имтиёзли кредитларни бериш йўлга қўйилди;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларини олдиндан 3 % имтиёзли фойиз ставкаси билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Тижорат банкларининг фермер хўжаликларига ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг йиллик фойиз ставкалари тижорат кредитлари фойиз ставкаларидан 2-3 баробар паст бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижасидир ва фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш мақсадида Республика Президентининг Фармони билан, фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинган бўлиб, у ҳар

томонлама қулайликка эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қишлоқ хўжалиги соҳасида бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланилади:

- янгидан ташкил этилган пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш фермер хўжаликларига 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган;
- фермер лойиҳа асосида ўз ҳисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан чет эл техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари, ҳамда чет эл техникалари учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан озод этилган;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида харид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имкониятига эга бўлдилар. Бунда лизингдан фойдаланганлик учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Аграр сиёсатининг навбатдаги босқичларида тубдан ҳал этишни талаб қилаётган ғоя муҳим йўналиши ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча ишчи кучини бўшатиб олиш ва уларни иқтисодиётининг бошқа тармоқларига-саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этишдан иборатдир.

Статистик маълумотлар бўйича мамлакатимиз қишлоқларида 7,0 миллионга яқин меҳнатга лаёқатли аҳоли мавжуд. Қишлоқ хўжалигининг ўзи бунча миқдордаги ишчи кучини иш билан таъминлай олмайди, албатта. Шу туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг юқори самарали индустриал усуллари, агрокимёнинг илғор усуллари ғоят секин жорий этилмоқда ва бунинг натижаси ўлароқ, маҳсулдорлик ва меҳнат унумдорлиги ҳавас қиладиган даражада эмас.

Шунга мувофиқ, қишлоқ жойларда замонавий технологияга эга фаолият шаклини тез ўзгартира олувчи кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойлари яратиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Булар фақат қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи корхоналаргина эмас, балки сермехнат ишлаб чиқаришлар, халқ ҳунардмандчилиги корхоналари ҳам бўлмоғи керак.

Қишлоқларда унча катта бўлмаган, лекин замонавий технология ва техника асосида хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналар қуриш ва уларни меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ерларда жойлаштириши керак. Президентимиз ушбу йўналишнинг муҳимлигини «...қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат»⁸ деб алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора-тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятига эга. Бу ҳозирги аграр сиёсатнинг ғоят муҳим устивор йўналишларидан биридир. Коммунал ва муҳандислик тизимларининг кенг тармоғи яратилса, қишлоқда яшовчиларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшилансагина бутун қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги даражага қўтариш, унга индустриал тус бериш мумкин бўлади.

Айни вақтда ҳозир кенг тармоқ ёйган замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани барпо этиш, сервис ва маиший хизмат тармоғини шакиллантириш муаммоси ҳали ҳам охиригача ҳал қилинмаган.

Шуни эътироф этиш керакки, амалга оширилган ташкилий ўзгаришлар, яратиб берилган иқтисодий имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларига қарамай, хўжаликларнинг ички ишлаб чиқариш муносабатлари секин ўзгармоқда. Қишлоқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлаш керак бўлган ўзаро олди-берувчи тармоқларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш механизми яхши ишлаб чиқилмаган.

⁸ И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” –Т.: Ўзбекистон, 2009, 59-б.

Шу сабабли аграр ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичидаги асосий вазифа ислохотларнинг боришини секинлаштираётган сабабларни тезроқ бартараф этишдан, қишлоққа аграр муносабатларни, энг аввало, мулкчилик муносабатларини янгилашни тўлиқ поёнига етказишдан иборат бўлмоғи керак. Агрофирмалар, бозор ва ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоғини яратиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг оқилона структурасини вужудга келтириш, деҳқонлар меҳнатига техникани жорий этишни кучайтириш, уларни ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш ҳам шундай вазифалардандир.

Ҳукуматимиз аграр соҳанинг барқарор ривожланиши учун катта кўмак бериб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ўз ичига қуйидаги асосий йўналишларни олади: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар аҳамиятини кучайтириш; уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш; деҳқон ва фермер хўжаликларига самарали фаолият олиб боришлари учун амалий ёрдам бериш; кичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда қўллаб-қувватлаш; уларни аҳоли турмуш тарзини ошириш ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айлантириш; истеъмол бозорларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш ва улгуржи савдо тизимини янада ривожлантириш; мамлакат ҳудудларида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажминини кўпайтириш ва экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жаҳонда иқтисодий ва озик-овқат инқирозлари тобора чуқурлашаётган бир даврда мамлакатимизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай аграр сиёсат мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасининг ошишига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари таъкидлаб ўтиш лозимки, республикамизнинг кўпчилик ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларида саноат ишлаб чиқариш технологиясига асосланган ихчам, кичик етиштирилаётган бирламчи маҳсулотларни қайта ишлашга қаратилган корхоналар жуда кам. Бундай корхоналар юртбошимиз сўзлари билан айтганда қишлоқларимизда ҳаёт сифатини оширишга, аҳолининг турмуш даражасини ўсишига, халқимиз орасида бандлик муаммоларини ечишга хизмат

қилади.

2.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг иқтисодий самарадорлик ҳолатининг таҳлили

Ўзбекистон аҳолисини барқарор равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилади. Озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш ҳам ашё базасининг мавжудлиги, шарт-шароит, энергия, меҳнат ресурслари, географии жойлашуви, бозор ҳажми, қолаверса аҳолининг талаб эҳтиёжи, харид қобилияти билан боғлиқдир.

Доимо республика аҳолисини барқарор равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб масала бўлган. Шу маънода мамлакат миллий иқтисодиётининг озиқ-овқат тармоғи алоҳида ўрин эгаллайдики, унинг ривожланиш стратегияси бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида тармоқни бошқаришни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш хўжалик субъектларини хусусийлаштиришни белгилайди. Соҳанинг энг долзарб муаммоларидан бири қишлоқ хўжалиги билан қайта ишлаш саноати ўртасидан номутаносиблик яъни қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган ҳам ашё ҳажми билан қайта ишлаш мос келмаслигидадир. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш мажмуасини қайта ишлаш соҳаси иқтисодий самарадорлигини ошириш, унинг ҳудудий тармоқ таркибини шакллантириш нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш лозим.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси олдида юқори ишлаб чиқариш самарадорлигини, меъёрий стандарт даражасидаги муҳим вазифани ҳал қилиш миллий иқтисодиётни бозор механизми асосида ҳаракат қилишни таъминлашга, республика эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда структурасини ўзгартиришлар, илмий-техникавий ва инвестицион сиёсатни қанчалик оқилона амалга оширилишига боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётнинг самарадорлик даражаси уни алоҳида тармоқларидаги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бориш шу билан узвий боғлиқдир. Бунга эришиш янги шароитлардан келиб чиққан ҳолда тармоқда ташкилий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш ва улар олдида турган бир хилдаги муаммоларнинг оқилона ечимини топиш тақозо этилади. Мазкур муаммолар озиқ-овқат саноати тармоқлари учун ҳам тегишли бўлиб, уларни тармоқнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилишининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ечиш мумкин. Бу эса катта ҳажмларда сармояни талаб этади.

Бундай шароитда ишлаб чиқаришни ривожлантириш микроиқтисодиёт даражасида мавжуд ресурслар ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, захираларни аниқлаш ва ундан ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳар бир тармоқ, корхона олдида турган энг муҳим вазифадир.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг зарурий қисмларида бири бу самарадорлик бўлиб, унинг талаби асосида ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланилади ва иш юритишнинг маъқул ечимлари топилади. Бошқача қилиб айтганда ресурслардан фойдаланилади.

Тадқиқотларимиз объекти ҳисобланган «AGRONAMUNA» агро ишлаб чиқариш фирмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Жиззах вилоятларида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспортини наъмунавий лойиҳаларни амалга ошириш асосида ривожлантириш» Дастури бўйича юридик шахс сифатида 2008 йил 4 февралда Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида Давлат рўйхатидан ўтказилган. Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида етиштирилаётган мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида ташкил этилган.

Жамиятга ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, мева-узум етиштириш ва уни қайта ишлаш мақсадида Тайлоқ туман ҳокимининг 2008 йил 16 мартдаги Х-33/1-сонли ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2008 йил 06 апрель Х-37/2 сонли қарорлари билан 259,5 гектар ер участкаси 49 йил муддатга ижарага берилган.

Жамият юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиб, ўзининг мустақил балансига эга.

Корхонанинг асосий фаолият турлари куйидагилар ҳисобланади:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, юридик ва жисмоний шахслардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нақд пулсиз ва нақд пул бериш орқали сотиб олиш, қайта ишлаш, ташқи ва ички бозорга сотиш, тайёрлов фаолиятини амалга ошириш;

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, халқ истеъмоли молларини сақлаш, юклаш учун мулжалланган терминал ва омборхоналар ташкил этиш.


Ҳозирги вақтда республикамизда етиштирилаётган мева-сабзавотларни нес-нобуд қилмасдан қайта ишлаш ва сақлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Етиштирилган ҳосилнинг сезиларли қисми қайта ишлаш корхоналарининг ишламаслиги ёки сақлаш имконияти йўқлиги сабабли нес-нобуд бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашда уни ташқи кўриниши, оғирлиги, таъм сифати ва бошқа табиий биологик хусусиятларини таъминланишини тақоза этади ўйича тендер ўтказилди. Тендер натижасига кўра қурилишнинг қиймати 356 миллион сўмга баҳоланиб шу йилнинг ўзида юқорида таъкидланган пудрат ишлари бажарилиб, мева ва сабзавотларни сақлаш омборхонаси "қайта ишлаб ва сақлаш мажмуаси"га қайта реконструкция қилинди. Бундан ташқари сув, электр энергия таъминоти, алоқа, канализация тармоқлари барпо этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш линиясини ўрнатиш учун кўшимча ишлаб чиқариш биноси қурилди. Шунингдек ёрдамчи бинолар, автотарози, мажмуани ўраб турган деворлар тўлиқ таъмирланди ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қайта реконструкция қилинган объектнинг "совуқхона" қисмида тўла қувват билан ишлаши мумкин бўлган камера мавжуд бўлиб, уларнинг проект ҳажми 1000 тонна мевани қабул қилиш ва сақлаш имкониятига эга.

2008 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун ажратилган 100 гектар очиқ ернинг 95 гектарига янғдина ток, 5 гектарига олма кўчат экилди.

«AGRONAMUNA» агро ишлаб чиқариш фирмаси бўйича 2012 хўжалик йилида маҳсулот сотиш, иш ва хизматлар бажаришдан жами 146187 минг сўм даромад олинган.

Корхона молиявий ҳамда иқтисодий кўрсаткичларини диаграмма шаклида 3-

расмда акс эттирилган.



3-расм. «AGRONAMUNA» агро ишлаб чиқариш фирмасининг даромад ва харажатлари динамикаси⁹

Шундан қишлоқ хўжалиги фаолиятидан олинган даромади 137136 минг бўлиб, унда қўйидаги маҳсулотлар етиштирилиб сотилган. Узум миқдори 750 тонна, суммаси 134363 минг сўм;


Олма миқдори 27 тонна, суммаси 2773 минг сўм; Ноқишлоқ хўжалик фаолиятидан 9051 сўм даромад олинган шундан:

- совуқхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашдан 8333,3 сўм;
- техника хизмати кўрсатишдан 717,7 минг сўм;
- давр харажатлари -47030 минг сўм;
- умумхўжалик фаолиятининг фойдаси - 57729 минг сўм.

Фирма ташкил этилган кундан 2 йил муддатга фойдадан солиқ ва йигимлар озод этилган. Ҳисобот даврининг соф фойдаси - 57729 минг сўм

«AGRONAMUNA» агро ишлаб чиқариш фирмаси иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари таҳлилини якунлар эканмиз, айтиш мумкинки, корхона яқинда ташкил этилганига қарамасдан молиявий кўрсаткичлари динамикасида ижобий натижаларни кузатилмоқда.

⁹ «AGRONAMUNA» агро ишлаб чиқариш фирмасининг маълумотлари асосида тузилган



4-расм. «AGRONAMUNA» агро ишлаб чиқариш фирмасининг таннарх ва давр харажатлари динамикаси¹⁰

2012 йил якуни билан йилга 2011 йилга нисбатан корхонада соф фойда миқдори бирмунча камайган бўлсада, аммо даромадга ва харажатларга нисбатан анча юқори натижалар қайд этилган. Корхонада барқарор молиявий ҳолат кузатилмоқда. Лекин айтиб ўтиш лозимки, корхона харажатлари таркибида йилдан йилга маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи камайиб бориш ва давр харажатлари аксинча ошиб тенденцияси кузатилмоқда. Бу ҳолат корхонада рентабеллик даражасига бирмунча салбий таъсир этган бўлсада, корхона молиявий ҳолатига салбий таъсири кузатилмаган.

Озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлигига бошқариш самарадорлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Бошқариш самарадорлиги тушунчаси кўпинча ташкилотнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги тушунчаси билан мос келади. Бошқарув самарадорлиги - бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бошқаришнинг ролини оширишдан иборатдир. Ишлаб чиқариш ва бошқариш самарадорлигининг мезони сифатида умумлаштирувчи кўрсаткичлар қўлланилади. Улар охириги натижаларни характерлайди ва хусусий кўрсаткичлар ресурсларининг аниқ турлари - меҳнат, асосий фондлар, инвестициялар учун қўлланилади. Фонд ва рентабеллик

¹⁰ «AGRONAMUNA» агро ишлаб чиқариш фирмасининг маълумотлари асосида тузилган

кўрсаткичлари фаолиятни охириги натижалари бошқариш самарадорлигига мувофиқлигини анча тўлиқ характерлайди.

Бошқариш самарадорлиги ўз табиати билан мураккаб жараён. Уни фақат битта ёки иккита кўрсаткич билан ифодалаб бўлмайди. Бунинг учун кўрсаткичлар тизими зарур.

Сифат кўринишидаги ўзгаришлар ҳам ўз навбатида самарадорликка таъсир этади. Қийматни ҳисобга олиш йўл-йўриқларига тўлиқ риоя қилинмаган бўлса, қиймат конунининг амал қилиши стихияли кўринишда бўлади ва такрор ишлаб чиқариш жараёнида оптимал оғиш содир бўлиши мумкин ҳамда бу ҳолатда самарадорлик даражаси паст бўлади.

Озиқ-овқат саноати корхоналари мувофоқият қозониши ва бозор рақобат шароитида фаолият юритиши учун ташқи муҳит ўзгаришларини ҳисобга олиб, ташкилот салоҳиятидан самарали фойдаланиб ишлаши лозим.

Самарадорлик мезонлари муамосини ечишнинг анча унумли усулларида бири бу корхоналарни фундаментал характеристикалари бўйича тартиблаш ҳисобланади.

Озиқ-овқат саноати корхоналарини бозор шароитига ўтиш концепцияси аниқ йўналишлардан иборатдир. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини ечишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини исроф қилишга йўл қўймаслик керак. Ушбу долзарб масалалар қаторида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш концепциясини қуйидаги устувор йўналишларда фаолиятни кучайтиришни тақозо этади:

- мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан унумли фойдаланиш;
- мамлакат хом ашё ресурсларини ишлаб чиқаришга оқилона жалб этган ҳолда, уларни замонавий технологиялар ҳисобига амалга оширишни таъминлаш;
- тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тузилишини такомиллаштириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- озиқ-овқат саноатининг экспорт имкониятларини кенгайтиришни таъминлаш;
- озиқ-овқат саноатининг самарали ривожланишини таъминлашда тармоқ билан узвий боғлиқ бўлган соҳаларни мутаносиб ривожланишини амалга ошириш;

- малакали, тажриба алмашган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш технологияларини тўлиқ ўзлаштирган ишчи хизматчиларни тайёрлашга эътиборни кучайтириш;

- бозордаги ҳолатни, талаб ва таклифни, маҳсулот турларини ўрганувчи, маълумот йиғувчи ва тарқатувчи маркетинг тизимини барпо этиш.

Бизнинг фикримизча, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва янада ўсишини таъминлаш учун, ишлаб чиқариш истеъмол мажмуини ривожлантиришнинг ҳозирги замон анъаналарини ўрганиш, унинг стратегик йўналишларини тўғри танлаш мақсадга мувофиқдир.

2.3. Аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан мухтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик тармоқларида илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши вазифаси қўйилган эди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устивор

вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;
- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурс тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан, экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;
- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробар, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;
- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробар, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;
- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари бош сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;
- паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратилиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни -1,7 баробар, гўшт консерваларини - 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини -1,8 баробар, сут маҳсулотларини -1,9 баробар ошириш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотлар қуриш, уларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация

техникаларини харид қилиш бўйича қарийиб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш юзасидан жами 575 гектар ер майдонида интенсив боғлар барпо этилди. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади. Биргина 2011 йилнинг кузи ва 20 12 йилнинг баҳорида жами 7661 гектар майдонга янги мевали боғлар, шундан 2110 гектар ерга майдонда интенсив боғлар барпо этиш, 8518,8 гектар майдондаги боғларни қайта экиш белгиланган.

Мамлакатимиз аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида бир меъёрга таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совутиш камераларига эга омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорига мувофиқ аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам мева-сабзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011-2015 йилларда 120,8 минг тонна сиғимга эга бўлган янги совутиш камераларини қуриш ва 49,1 минг тонна сиғимга эга бўлган мавжуд совутиш камераларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригацион-мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 фоизга, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 фоизга паст бўлиши аниқланган.

Ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932 сонли Фармониға мувофиқ, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Дастурда мелиорация тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги тадбирлар мажмуасини амалга ошириш мўлжалланган:

1. Магистрал ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш.

2. Мелиоратив насос станцияларини, гидротехника ва сув ўтказадиган иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш.

3. Сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, 2008 йилға бу мақсадлар учун жами 90,3 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2012 йилға келиб бу кўрсаткич 201,5 миллиард сўмға етди. Ўтган 2008-2012 йиллар давомида жами ажратилган маблағлар қиймати 751,4 миллиард сўмни ташкил этди (3-жадвал).

2012 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичға кўтариш масалалари ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлди. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қўллаб-қувватлаш бўйича қиймати 541,65 миллион АҚШ долларига тенг бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги

10 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан 2012 йилда қиймати 79,94 миллион АҚШ доллари тенг бўлган маблағлар ўзлаштирилиб, бу лойиҳалар асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқди. Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2006-2012 йиллар мобайнида шўрланмаган майдонлар ҳажми 2109 минг гектардан 2192 минг гектарга кенгайиб, кучли шўрланган майдонлар ҳажми 163 минг гектардан 118 минг гектарга қискарди. Ер ости сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги 1,5 метргача бўлган майдонлар ҳажми 272 минг гектардан 177 минг гектарга қискарди.

3-жадвал

Мамлакатимиз бўйича мелиоратив тадбирларларга ажратилган маблағлар, миллиард сўмда¹¹

Тадбирлар номи	Жами 2008-2012 йилларда	шу жумладан:				
		2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	310,3	22,4	57,3	63,8	81,6	85,2
Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	313,5	38,6	48,1	59,2	77,0	90,6
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга	127,6	29,3	25,4	27,2	20,0	25,7
Жами	751,4	90,3	130,8	150,2	178,6	201,5

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усуллари жорий этишнинг аҳамияти катта. Мутахассисларнинг фикрича, томчилатиб суғоришнинг пахта экиладиган майдонларда қўлланиши орқали сув сарфини 30-40 фоизга, меҳнат сарфини 50-60 фоизга тежаш ва ҳосилдорликни 90-150 фоизгача ошириш мумкин.

Юртимиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усуллари қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда бир қатор ҳудудларида

экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Шу кунгача 5495,8 гектар ерга томчилатиб суғориш технологияси, 1208,7 гектарга эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш тизими, 1662,7 гектарга қўчма ва эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими жорий этилгани диққатга сазовордир. Истикболда – 2013-2017 йиллар давомида 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ва бунинг учун давлат ҳисобидан имтиёзли кредит беришни йўлга қўйиш, тизим жорий этилган майдонларни 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этиш кўзда тутилган.

Мухтасар қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;
- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларнинг даромадлари юксалмоқда.

Пировард натижада ерларнинг унумдорлигини, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг сезиларли даражада ошишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти бекиёсдир. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Шунингдек, бундай техникаларнинг иш унуми, ёқилғи сарфлаш меъёри замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннархи ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурс тежайдиган техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади. Жумладан, Германиянинг «Класс» компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича олиб борилаётган мақсадли тадбирлар натижасида кейинги 6 йил ичида жами 13896 дон трактор, 3960 та трактор тиркамаси, 3603 та культиватор, 1076 та дон ўриш комбайни ва бошқа юқори унумли техникалар харид қилинган (4-жадвал).

4-жадвал

2007-2012 йилларда мамлакатимиз бўйича янги сотиб олинган қишлоқ хўжалиги техникалари¹²

Техникалар номи	2007 йил	2007 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2007-2012 йиллар давомида жами
Тракторлар, жами	2211	1652	2231	3007	2671	2124	13896
Хайдов тракторлари	634	164	454	191	378	546	2367
Чопиқ тракторлари	1182	1293	1174	1697	1359	1098	7803
Трактор тиркамалари	368	250	348	1421	691	882	3960
Культиваторлар	503	279	440	1433	633	315	3603
Чигит сеялкалари	352	178	237	215	320	552	1854
Плуглар	130	90	117	244	67	153	801
Дон ўриш комбайнлари	116	93	332	123	167	245	1076

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш дастурларида деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сир эмаски, юртимизда чорвачилик тармоғи жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлишига қарамасдан, соҳада ўз ечимини қутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, чорва молларининг маҳсулдордор ва касалликларга чидамли зотларининг етишмаслиги, чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш борасидаги муаммолар шулар жумласидандир.

Республикаимиз ҳукуматининг чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш дастурларида асосий эътибор чорва молларининг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, тармоқда сервис хизматини ривожлантириш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Бунинг учун:

- чорвачилик тармоғининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш;


¹² Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

- наслчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш;
- тармоқда сервис хизмати, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортименти ошириш;
- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- чорва молларини юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;
- озуқа экин майдонларини кенгайтириш ва оптимал жойлаштириш, бунда лалми ерларда чорва моллари учун озуқа етиштириш қўламини кенгайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда чорвачилик ривожланган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, урчитишни ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2007-2012 йиллар мобайнида Украина, Беларусь, Польша, Австрия, Германия, Голландия ва бошқа Европа мамлакатларидан 28174 бош насли голштинфриз (Германия, Польша), қора-ола (Белорусь, Украина), қизил-чўл (Украина), симентал (Австрия) зотларига мансуб зотдор қорамоллар келтирилди.

Четдан келтирилган моллардан туғилган бузоқлар сони 55 519 бошга етди. Кейинги йилларида кўпгина наслчилик фермер хўжаликлари янгидан шаклланди. Ҳозирги кунда қорамолчилик йўналишидаги наслчилик хўжаликлари сони 448 тага етказилиб, уларда 107751 бош юқори наслдор қорамоллар парвариш қилинмоқда. Биргина 2012 йилда уларда 7,2 мингдан ортиқ насли моллар тайёрланди ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликларига сотилди (5-расм).

Чорва моллари наслини ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича наслчилик–селекция ишларида ҳам ижобий ўзгаришлар сезилмоқда. Завод типигаги наслчилик фермер хўжаликлари четдан келтирилган голштинфриз, бушуев, симентал, швиц, қора-ола ва қизил чўл зотли моллар ҳисобидан шакллантирилмоқда. Аксарият наслчилик тоифасидаги хўжаликларда сигирлардан бир кунда 20-30 килограммдан ёки лактация давомида 6-7 минг килограммдан сут соғиб олинмоқда.



5-расм. Хорижий мамлакатлардан келтирилган насли қорамоллар сони¹³

Республикаимиз ҳукумати томонидан мамлакатимизда чорвачиликнинг паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларини ривожлантириш борасида ҳам мақсадли дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини барқарор қондиришга муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиз.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Ш.БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ютуқларнинг доимий равишда ўсиб боришида иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг бир-бирига боғлиқлигига эътибор қаратиш зарур ҳисобланади. Айни кунда ушбу соҳаларнинг ривожини ва муваффақиятини таъминловчи асосий бўғин маҳаллий хом ашёни қайта ишловчи тармоқлар ҳисобланиб, бевосита бу тармоқлар ривожланиш негизида бошқа тармоқлар интенсивлигини таъминлаш ва уларнинг таъсир доирасини кенгайтириш имкониятлари яратилмоқда.

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноатсиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигини барча халқ хўжалиги мажмуи тармоқлари, энг аввало, чамбарчас боғлиқ. У ҳозир саноатдан бошланиб (ишлаб чиқариш воситалари, унитар ишлаб чиқариш), саноат билан тугалланади (етиштирилган хом ашё ва маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш). Бу икки тармоқ ўртасидаги алоқа вертикал интеграция ёки агросаноат (интеграцияси жараёни бўлиб, борган сари чуқурлашиб бораверади. Гўшт, сут, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар истеъмолчи дастурхонига тушишдан олдин саноатда қайта ишловдан ўтади. Албатта бу объектив жараён ҳисобланади. Шунинг учун картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари, чорва, парранда, сут, тухум, қорақўл тери ва жун маҳсулотларига эркин (келишилган) нархлар жорий этилди, бу эса хўжаликларнинг ўзлари етиштирган маҳсулотларни ўз ҳоҳишича фойдаланишга имкон яратди. Давлат буюртмаси фақат пахта ва донга нисбатан сақланиб, пахта толаси бўйича ва дон бўйича 50 фоиз даражасида белгиланди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги қарори остида қабул қилинган ва тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контракция шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида»ги Низом маҳсулот, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни бозор талабларига жавоб берадиган босқичга кўтаришда дастлабки кадам бўлди.

Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш аграр сиёсатдаги муҳим йўналишга айланди. Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда халқаро ташкилотлар дастуридаги фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу тадбирлар эса хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга, хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга, қишлоқ турмуш даражасини оширишга ҳамда хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга йўл очди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини аниқлаш кескин яхшилаш, ҳозирги вақтда энг масъулиятли масалалардан биридир. Айниқса аҳолини озиқ-овқат билан йил бўйи таъминлаб туриш учун, қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш ишларига алоҳида эътибор беришни талаб этади.

Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан 2009 йилда мамлакатимиздаги енгил ва озиқ - овқат саноатининг истеъмол таварлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари учун кенг қўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сон қарори билан:

2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб гўшт-сут маҳсулотини саноат кўламида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолият фақат юридик шахс шаклида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши белгиланди ;

гўшт ва сутни қайта ишлайдиган корхоналарга ўз маҳсулотини автофургонларда аҳолига нақд пулга сотиш ҳуқуқи берилди, бунда нақд маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар куни инкассация қилиниши шартлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур қарор билан 2012 йилнинг 1 январга қадар бўлган даврда қуйидагича солиқ ва божхона имтиёзлари берилган:

- ихтисослаштирилган «Мевасабзавоттайёрловсавдо» компанияларини ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилиш, бўшайдиган маблағларни мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум тайёрлаш ҳамда сақлаш объектларининг

айланма маблағларини тўлдиришга ва техникавий қайта жихозлашга мақсадли тарзда йўналтириш;

- асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микроформалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтириш, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жихозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жихозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек хом-ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш;

- гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технологик ускуналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентлар юзасидан божхона тўловлари (божхона расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ-1633-сон қарори билан янги ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати корхоналарини, шунингдек гўшт-сут, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ва ишлаётганларини реконструкция ва модернизация қилишга йўналтирилган 2012—2015 йилларда озиқ-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш чоратadbирлари дастури тасдиқланган.

Ички истеъмол бозорини сифатли озиқ-овқат товарлари билан тўлдириш учун кейинги уч йилда 540 тадан ортиқ янги корхоналар ишга туширилди, маҳсулотларнинг 152 тадан кўпроқ янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш даражаси аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг тайёр озиқ-овқат товарларига бўлган талабига, мавжуд имкониятлар ва ресурсларга мос келмайди. Кўпгина қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб турган қувватлари маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб кетган, уларни янгилаш ва модернизациялаш талаб этилади. Ишлаб

чиқарилаётган озиқ-овқат товарларининг турлари чекланиб қолмоқда, маҳсулот сифати ошиб бораётган талабларга жавоб бермайди.

Қайта ишлаш корхоналари учун гўшт ва сут етказиб бераётган деҳқон ва фермер хўжаликларини рағбатлантириш, корхоналар-агрофирмаларнинг ўз барқарор хом ашё базасини шакллантириш масалалари ҳал этилмасдан қолмоқда.

Маҳаллий корхоналарда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни янада чуқур қайта ишлашни таъминлаш ҳамда шу асосда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли, сифатли озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган, 2012 — 2015 йилларда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастурини қабул қилди.

Шу мақсадда, Республика бўйича тижорат банклари томонидан 2013 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан гўшт ва сутни қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур соҳага ажратиладиган кредит маблағларининг миқдори 620 млрд.сўмни ташкил этиши белгиланган.

Ўзбекистонда жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар барпо этилади ҳамда мавжудлари реконструкция ва модернизация қилинади, ушбу мақсадда 288 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтириш ва озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга қаратилган, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 94,564 миллиард сўм ажратилади. Бундан корхоналарнинг ўз ҳисобидан ажратиладиган маблағ 47,564

миллиард сўмга тенг ва яна 47 миллиард сўм эса тижорат банклари томонидан кредит сифатида берилади.

Хусусан, Ўзбекистонда сутни қайта ишлаш бўйича 113 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Унга кўра, ишлаб чиқариш қуввати 48 минг тоннага тенг корхоналарни барпо этиш, мавжудларини эса реконструкция ва модернизация қилиш режалаштирилган. Бу лойиҳанинг қиймати 32,563 миллиард сўмни ташкил этади.

Шунингдек, 22,415 миллиард сўмни гўштни қайта ишлаш бўйича 68 лойиҳага йўналтириш, 34,335 миллиард сўмни эса мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича 98 лойиҳага жалб этиш мўлжалланмоқда¹⁴.

Ҳозирги шароитда кишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг реал ҳолати уларни кредитни қайтаришга кодир деб ҳисоблаш имконини бермайди. Негаки, узоқ муддатли кредит маблағлари учун ҳам, қисқа муддатлисида ҳам таваккал хавфи жуда юқори, давлат тузилмалари бундай таваккалчиликка қўл уриши ва салоҳиятли инвесторларга кафолат бериши жуда камдан-кам ҳолларда учрайди. Бўларнинг ҳаммаси агросаноат ишлаб чиқариши соҳасини ташқи инвесторлар учун ёпиқ қилиб қўймоқда, мамлакат банклари ва бошқа молиявий тузилмалар учун нафсиз соҳадек кўринишига сабаб бўлмоқда.

Аграр соҳага хизмат кўрсатувчи банклар кредит ресурсларининг асосий қисми кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга йўналтирилмоқда. Бу ҳолат жалб қилинган кредит ресурслари ҳисобига олинган кўшимча маҳсулот, фойда, даромад кўрсаткичлари корхонанинг пул айланмаси фаолиятини етарли даражада таъминланганлиги, яъни кредитдан фойдаланиш самарадорлиги юқорилиги билан боғлиқдир.

Озиқ-овкат ва қайта ишлаш саноатида давлат иштирокидаги инвестициялар сиёсатининг асосий йўналиши бу даврда ишлаб турган ёг-мой, қанд-шакар, гўшт-сут, ун-ёрма ва бошқа йўналишлардаги корхоналарни техник қайта куроллантириш ва реконструкциялаш бўлиши керак. Чекланган миқдордаги корхоналар қурилиши замонавий технологияларни жорий этиш, хом ашёни ўз вақтида ва чуқур қайта

¹⁴ www.agro.uz

ишлаш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун амалга оширилади.

Агросаноат мажмуидаги инвестициялар молиялаштиришнинг барча бюджет ва нобюджет манбаларини маблағларни тўғридан-тўғри ажратиш

(ассигнация қилиш), инвестицион кредит, шу мажмуа инвестиция дастурлари доирасида консолидация қилиниши таъминланиши, марказлашган инвестиция ресурслари регионларга тегишли техник-иқтисодий асосга эга аниқ инвестиция лойиҳалари учун фақат танлов асосида берилиши лозим.

Агросаноат мажмуасига инвестициялар, шунингдек дон ва уруғчилик болалар озиқ-овқати, бирламчи ва улгуржи бозорларни, гўшт, сут, ёғ-мой, мева-сабзавот, крахмал, концентратланган озиқ-овқат саноати соҳасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини, қишлоқда муҳандислик ижтимоий қурилиш ва бошқа йўналишлар бўйича дастурларни амалга ошириш учун зарур.

Ҳозирги пайтда агросаноат ишлаб чиқариши ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотувини инвестициялаш бутун дунёда капитал қўйишнинг энг самарали йўли саналади.

Инвестициялар ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формацияларда амалга оширилади. Чунки улар давлатни, тармоқ, корхоналар, ва ниҳоят, аҳолининг иқтисодий негизини мустаҳкамлашга сарфланади. Эркин бозор иқтисоди босқичма-босқич шакллантирилаётган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида инвестициялар сарфланиши объектив зарурият ҳисобланади. Чунки тармоқни устувор тарзда ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкам равишда барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур, самарали техникалар, қишлоқ хўжалик механизмлари, ички ирригация ва мелиорация иншоотлари, серунум, тезпишар навлар, зотли, маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда айланма воситалар, инновацион технологиялар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим.

Барча омилларни эътиборга олган ҳолда сарфланадиган инвестициялар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этади. Улар янги иш жойлари барпо этилишини таъминлайди, қишлоқ хўжалигида банд бўлган тадбиркорларнинг билимларини, малакаларини юксалтиради, бозор муносабатларини шакллантиради. Уларнинг уйғунлашиши натижасида тармоқда етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайтирилиб, рақобатбардошлиги ошади. Бу ўз навбатида, аҳолини қайта ишлаш тармоқларини ва ниҳоят давлатнинг талаби кондирилишини таъминлайди, фуқароларнинг турмуш даражасини юксалтиради. Бўларнинг ҳаммаси инвестицияларнинг иктисодий-ижтимоий аҳамияти катта эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда иктисодий ишлаб чиқаришга чет эл инвесторларининг кенг кўламда жалб килиниши, қўшма корхоналар, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши, маҳаллий хом ашё ресурсларидан унумли фойдаланиш бозор иктисодиёти тамойиллари асосида амалга оширилмоқда. Чет эл инвестициялари ёрдамида мева ва сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича моддий-техника база тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини сифати ва самарадорлигининг юқорилиги жиҳатидан жаҳонда ўзига хос нуфузга эга бўлган давлатлар (Нидерландия, Исроил ва ҳ.к) билан ҳамкорлик мамлакатимиз қишлоқ аҳолисини иш билан бандлик даражасининг ортиши учун хизмат қилади. Ўзбекистон асрлар давомида яқин хориж қуруқ мева экспорт қилган. Ҳозирда эса мазкур соҳанинг экспорт имкониятларини янада кенгайтириш, соҳанинг ҳақиқий истеъмолчиларнинг дунё бозоридан излаб топиш имкониятлари юқоридир. Республикада Тошкент, Сурхондарё, вилоятларида консерва ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар кенг тарқалган.

Республика қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларни қайта ишлаш, уларни истеъмол учун тайёр бўлган маҳсулотларга айлантириш учун турли хилдаги қўшма корхоналарни ташкил этиш мумкин. Бу жараён мамлакат қишлоқ хўжалигига янги техникалар, илғор, самарали технологиялар кириб келишини

таъминлайдиган чет эл валюталари оқимини кўпайтиради. Натижада тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва мақсадга мувофиқ жойлашиши таъминланади. Қишлоқ хўжалигида қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши халқаро миқёсда меҳнат тақсимотини ривожлантиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари сўнгги даврларда жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Хусусан республикада кичик бизнесни, йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш соҳасида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга, хусусан маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган корхоналарга юқори сифатли, жаҳон бозорида рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этишга ҳамда ички истеъмол бозорини юқори сифатли озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга кўмаклашиш мақсадида кредит бериш ва уларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришда Осиё тараққиёт банки маблағлари муҳим ўрин тутади. "Агробанк" ОАТБ тизимида ҳам 2001 йилдан эътиборан Осиё тараққиёт банки маблағлари жалб қилинмоқда ва лойиҳаларни молиялаштириш соҳасида ушбу маблағлардан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан тизимда Осиё тараққиёт банкнинг учта линияси бўйича маблағлар жалб қилинган ҳамда лойиҳалар молиялаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ўзларининг техник базасини янгилашда лизинг хизматларидан фойдаланмоқда. Техник воситаларни лизинг асосида сотиб олиш бўйича ташкил этилган махсус Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун ўтган йили 43 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган бўлса, жорий йилда 58 миллиард сўмдан зиёд молиявий ресурслар йўналтириш режалаштирилмоқда.

2013 йилнинг ўтган беш ойи давомида ҳам тижорат банклари маблағлари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликларига жами 110,4 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Тақдим этилган кредитлар асосан фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда асбоб-ускуналар сотиб олиш

(62,3 млрд. сўм); чорвачилиқ паррандачилиқ асаларичилиқ ва баликчилик каби соҳаларни ривожлантириш (26,1 млрд. сўм); уруғ ва кўчатлар сотиб олиш (7,8 млрд. сўм); ўғит ва ёқилғи материаллар харид қилиш (5,2 млрд. сўм); қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда фойдаланиладиган иншоотлар қурилиши (2,7 млрд. сўм); бошқа мақсадларга (6,3 млрд. сўм) йўналтирилди¹⁵.

Бундан ташқари, сўнгги пайтда банкларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган соҳаларга киритаётган инвестициялари кўлами ортиб бориши кузатилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида банклар томонидан агрофирмаларга 1,8 млрд. сўм, минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун 30,5 млрд. сўм, шундан гўшт ва сутни қайта ишловчи корхоналарга 12,2 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2013 йил Ўзбекистонда «Обод турмуш йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган ва Президентимиз томонидан маъқулланган Давлат дастурида бу қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб қувватлаш кераклиги белгилаб олинди. Шундан келиб чиқиб, банклар иқтисодиётнинг аграр секторини ва хусусий тадбиркорларни янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш чораларини кўриб бораверади.

¹⁵ www.agro.uz

ХУЛОСА

Аҳолини юқори сифатли ва озиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ўсиб бораётган талабларини тўла қондириш республика раҳбариятининг доимий назар-эътиборида бўлмоқда. Шу сабабли маҳсулотлар сифатини бошқариш, назорат қилиш, шакллантириш ва сифатига таъсир қилувчи омиллар тўғрисида янгидан-янги тадбирлар ишлаб чиқарилаяпти.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

1. Республика иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлашдек сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифани ҳал этишда мамлакат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг аҳамияти катта. Шунинг эътиборга олган ҳолда, агросаноат мажмуасини оқилона шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бунда мажмуа таркибини тўғри шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Агросаноат мажмуасининг марказий бўғини қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Уни ривожлантириш учун барча турдаги воситаларни ишлаб чиқарувчи тармоқларни, ҳар хил хизматлар бажарувчи соҳаларни ҳамда шу тармоқда етиштирилган маҳсулотларни қайта ишловчи ва уларни талабни қондириш мақсадида истеъмолчиларга сифатли қилиб етказиб берувчи тармоқларни ўзаро боғлиқ ҳолда мақсадга мувофиқ ташкил этиш, жойлаштириш зарур.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш ва тегишли органларда корхоналар манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш корхоналар илмий-техникавий ривожланиш соҳасида бир хил йўналишни амалга ошириш, ягона техникавий сиёсатни олиб бориш, интеграциянинг бозор шакллари ривожлантириш ва корхоналарга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда кўмаклашиш, корхоналарга ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда, қўшма корхоналарни тузиш учун хорижий ҳамкорларни излаб топишда ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда ёрдам бериш, илгор тажриба, замонавий техника ва технологияларни жорий этишда ҳамкорлик қилиш, корхоналарга мутахассисларни тайёрлаш ва қайта

тайёрлашда ёрдам бериш, таъсисчиларни маркетинг хизмати билан таъминлаш, корхоналарни мулкчиликнинг бошқа шакллариغا асосланган шаклларга қайта расмийлаштирилишида ёрдам бериш каби таклифлар шулар жумласидандир.

3. Бугунги шароитда ҳар бир дақиқада мутлоқ янги маҳсулот турлари, хабарлар, ахборот оқимлари пайдо бўлмоқда. Шу боисдан истеъмол бозоридаги ўзгаришларга мосланувчанликни таъминлаш корхоналар яшовчанлигига эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун айниқса муҳим. Улар ўз мавқеларини рақобатчилари имкониятларига солиштириш орқали ўрганишлари зарур.

Гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари учун устун имкониятлар сирасига қуйидагилар киради: бошқарувнинг ихчамлиги; давлат томонидан қўллаб-қувватланиши; истеъмолчиларининг эҳтиёж нуқтаи назаридан харид қилишдаги хайрхоҳлиги; маҳсулотлари нархи импорт маҳсулотлари нархига нисбатан пастлиги; микрокредитлар берилишида ортиқча тўсиқлар мавжуд эмаслиги; бозорга киришда тўсиқлар йўқлиги; арзон ишчи кучига, ўз хом ашё базасига эгалик ва ҳоказолар.

Шунинг учун ҳам, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар ва уларни қайта ишлаш ускуналари нархлари бўйича ҳам ахборот тизимининг яратилиши қишлоқ хўжалиги корхоналари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун ускуналар сотиб олишда жуда қўл келади.

Ахборот тизимининг фаоллаштирилиши улгуржи ва чакана савдо бозорларига кириш рекламасини ташкил этади ва бу билан уларнинг ривожланишига ўз хиссасини қўшади. Ундан ташқари, ахборот тизими бир жойда маҳсулотларнинг тўпланиб қолишига ва бошқа бир жойда маҳсулот тақчиллигига йўл қўймайди.

4. Қишлоқ хўжалик тармоқлари мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланган ҳолда талабни қондирадиган миқдорда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришлари мақсадга мувофиқдир.

Озиқ овқат саноат тармоқларини жойлаштиришда асосий фактор хом-ашё ҳисобланади. Кўпчилик корхоналарнинг маҳсулотлар таркибини 70-90 фоиз сув

ташкил килади. Шунинг учун бу маҳсулотни тез чириш ва бузилишга олиб келади. Шу билан биргаликда хом-ашё масаласи тайёр маҳсулот масаласидан бир неча марта ортиқ Шунга асосан қайта ишлаш корхоналарини хом-ашё етиштирувчи туманларда жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ саналади.

5. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни нобуд этмасдан вақтида, сифатли тайёрлаб, қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилишини таъминлаш лозим. Бунда маҳсулотларни сотиб олиб, қайта ишлаш корхоналари кўламини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак

Республика агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар ўртасидаги барча ўзаро муносабатларни (баҳолар, солиқлар, тўловлар) такомиллаштиришга ва уларни эркинлаштиришга қаратилган тадбирларни ҳамма бўғинларда ишлаб чиқиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашга эришиш керак

Қайта ишлаш корхоналарининг иқтисодий, ижтимоий самарадорлигини аниқлаш мақсадида тегишли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур. Бунда уларнинг мақсад ва вазифаларини эътиборга олиш керак Қайта ишлаш корхоналарининг фаолиятини ривожлантириш мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга халқ истеъмоли моллари ҳажмининг кўпайишини, уларнинг сифати яхшиланишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.:Ўзбекистон, 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғриси”даги Ўзбекистон Қонуни. 1991 й. 15 февраль
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғриси”даги Фармони. 2003й. 24 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси”даги Фармони. 2005 йил 20 июн.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари микдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғриси”даги Фармони. 2008 йил 6 октябр.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. 2008 йил 20 октябр.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2012 йил 22 октябр
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. -54 б.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси - Т.: Ўзбекистон, 2010 -46 б.

- 10.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2010 -28 б.
- 11.Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.–Т.: Ўзбекистон, 2011, 325 б.
- 12.Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 - 19 б.
13. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2013 - 18 б.

II. Асосий ва қўшимча адабиётлар.

14. Бекмурадов А., Сатторов С., Тўраев Ж., Солиев Қ., Рўзиев С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини давра талаби. –Т.: ТДИУ, 2009.-67 б.
- 15.Каримов Ф., Ходжаев Р. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: «Iqtisod-moliya», 2010. -374 б.
- 16.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Ўқув қўлланма, муаллифлар жамоаси. Т.: «Фан ва технологиялар», 2009. – 415 б.
17. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатлари. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2011. -80 б.
18. Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами: 5 Том (Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари). -Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2005. -432 б.
19. Эргашев Э.И. Қишлоқ хўжалигини ривожланиш йўналишлари. -, Т. «Iqtisod-moliya», 2010. -110 б.
20. Қудратов Ғ., Хасанова Р., Махмудов Б., Хаджаев Х. Аграр секторда кичик бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамияти.-Т.: “Янги аср авлоди”, 2008.-152 б.

III. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

21. Сайдахмедов О. Республика аграр соҳасини бошқаришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари. //Молия. -Тошкент, 2012. -№4. -Б. 38-42.
22. Эргашев Э.И. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш механизмларини такомиллаштириш. //Молия. -Тошкент, 2011. -№3-4. -Б. 153-156.
23. Қосимов М. Дунё андозаси даражасида ривожланаётган агросаноат. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -Тошкент, -№ 3. 2011. –Б. 25-29.
24. Ўзбекистон Республикасининг 2006-2012 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача статистик тўпламлар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, 2007-2012 йиллар
25. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари
26. «AGRONAMUNA» агро ишлаб чиқариш фирмасининг маълумотлари ва ҳисоботлари

IV. Интернетдаги сайтлар

27. www.gov.uz
28. www.agro.uz
29. www.tfi.uz
30. www.gmpr.ru
31. www.aup.ru
32. www.ebrd.com